



“E-XSUD” ахборот тизимида рўйхатдан ўтиш ТАРТИБИ

Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролик ишлари бўйича судга (судга) мурожаат қилишга ҳақли. (ЎзР Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК)нинг 3-моддаси).

Мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин (ФПКнинг 4-моддаси).

Манфаатдор шахс мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни судга электрон ҳужжат тарзида юбориши учун “E-XSUD” ахборот тизимида рўйхатдан ўтиши зарур.

“E-XSUD” ахборот тизимида рўйхатдан ўтиш учун **“ONE ID орқали кириш”** тугмасини босиш керак.



Очилган ойнада мавжуд **“Рўйхатдан ўтиш”** тугмасини босиш керак. Шундан сўнг **“Электрон ҳуқумат”** тизими фойдаланувчиларининг идентификациялашнинг ягона тизими ҳақидаги Низом билан танишиб чиқиш таклиф этилади.

Foydalanuvchini ro'yxatdan o'tkazish

ПОЛОЖЕНИЕ

о единой информационной системе идентификации пользователей системы «Электронное правительство»
(ПРИЛОЖЕНИЕ № 2 к постановлению Кабинета Министров от 17 декабря 2015 года № 365)

I. Общие положения

- Настоящее Положение определяет задачи, функции, порядок функционирования и использования единой информационной системы идентификации пользователей системы «Электронное правительство» (далее — единая система идентификации).
- Доступ физических и юридических лиц (далее — пользователи) к системе «Электронное правительство» в рамках оказания интерактивных государственных услуг и межведомственного электронного взаимодействия осуществляется единой системой идентификации.

II. Задачи и функции единой системы идентификации

Единая система идентификации выполняет следующие задачи:

- обеспечение единого механизма регистрации, идентификации, аутентификации и авторизации пользователей системы «Электронное правительство»;
- обеспечение санкционированного доступа к информационным системам государственных органов и иных организаций (далее — уполномоченные органы), оказывающих государственные услуги, при межведомственном электронном взаимодействии.

Для выполнения возложенных задач единая система идентификации осуществляет следующие функции:

- осуществление регистрации, идентификации, аутентификации и авторизации пользователей;
- взаимодействие с централизованными базами данных физических и юридических лиц системы «Электронное правительство».

Tanishib chiqdim



Ушбу ойнада **“Танишиб чикдим”** қаторидаги катакчани устига босиш керак. Шундан кейин фойдаланувчини рўйхатдан ўтказиш ойнаси очилади.

Foydalanuvchini ro'yxatdan o'tkazish

1 Shaxsni identifikatsiyalash

2 Ma'lumotlarni tasdiqlash

3 Murojaat ma'lumotlarini kiritish

Shaxsni identifikatsiyalash

Fuqaroligi

Ro'yxatdan o'tish uslubi

PIN

Pasport raqami

Агар сизда электрон рақамли имзо калити мавжуд бўлмаса ушбу ойнада **“Рўйхатдан ўтказиш услуги”** қаторидан **“ERI KALITISIZ”** услуги танланади (чап томони кўк рангда, ўнг томони оқ рангда бўлиши керак). **“PIN”** қаторига фуқаролик паспортидаги ПИНФЛ рақами киритилади. ПИНФЛ рақамини аниқлаш учун **“?”** белгисини босиш керак. Паспорт рақами қаторига паспорт серияси ва рақами қўшилган ҳолда ёзилади.

Фуқаролиги қаторидан тегишлисини танлаб **“Кейингиси”** тугмасини босиш керак.

Кейинги ойнада сиз киритган паспорт маълумотлари асосида ўзингизга тегишли маълумотлар автоматик равишда шакллантирилади.

Foydalanuvchini ro'yxatdan o'tkazish

1 Shaxsni identifikatsiyalash 2 Ma'lumotlarni tasdiqlash 3 Murojaat ma'lumotlarini kiritish

Ma'lumotlarni tasdiqlash

Familiya OLIMOV

Ism RO'ZIMUROD

Otasining Ismi SHO'HRATOVICH

Jinsi erkak ayol

Tug'ilgan sana 19/09/1999

Tug'ilgan joyi XATIRCHI TUMANI

Tug'ilgan mamlakati UZBEKISTAN

Millati UZBEK/UZBЕЧКА

Fuqaroligi UZBEKISTAN

Kim tomonidan berilgan ХАТЫРЧИНСКИЙ РОВД НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Berilgan sanasi 05/07/2010

Amal qilish muddati 04/07/2020

ORQAGA KEYINGISI

Бунда **“Фуқаролиги”** қатори тўлдирилиб, **“Кейингиси”** тугмаси босилади. Шундан сўнг қуйидаги ойна очилади.

1 Shaxsni identifikatsiyalash 2 Ma'lumotlarni tasdiqlash 3 Murojaat ma'lumotlarini kiritish

Murojaat ma'lumotlarini kiritish

Login oadmin

Parol

Parolni tekshirish

Doimiy turar joy manzili TOШКЕНТ ШАХРИ, ЯШНОБОД ТУМАНИ

Vaqtinchalik turar joy manzili Viloyat

Elektron pochta manzili rozimurod99@mail.ru

Elektron pochta orqali xabarnomalar olish istaysizmi? Elektron manzil orqali xabarnoma olishni xohlash yoki xohlamasligingiz uchun tanlang


Avtomatik tarzda ro'yxatdan o'tish Himoya kodi 84994 Yangilash

Telefon Raqami +998 99-888-8998 Tasdiqlash kodni yuborish

Tasdiqlash paroli 378707

ORQAGA KEYINGISI


Ушбу ойнада биринчи навбатда ўзингиз фойдаланишингизга қулай логин киритишингиз керак. Кейинги қаторда фойдаланмоқчи бўлган паролингизни киритишингиз керак. Учинчи қаторда паролингизни қайта киритиш талаб этилади. Пароль камида 8 та рақам, 1 та ҳарф ва 1 та белгидан (мисол учун @,+,-,=) иборат бўлиши керак. Шунингдек, электрон почта манзилингиз, телефон рақамингизни ҳам киритиш лозим. Телефон рақами қаторининг юқори қисмидаги қаторга 5 та рақамдан иборат автоматик тарзда рўйхатдан ўтиш ҳимоя коди киритилади. Шундан сўнг телефон рақами қаторидаги **“Тасдиқлаш кодни юбориш”** тугмаси босилади. Бунда ушбу телефон рақамига келган 6 та рақамдан иборат тасдиқлаш пароли киритилиб, **“Кейингиси”** тугмаси босилади.




Шунда, Ягона идентификация тизимига рўйхатга олинганлигингиз ҳақидаги хабар пайдо бўлади. Ушбу хабар-номани **“Ўқиш/Тугатиш”** тугмасини босиш керак.

Ушбу ҳаракат амалга оширилганидан сўнг рўйхатдан ўтиш яқунланган ҳисобланади. Рўйхатдан ўтган шахс ахборот тизимининг фойдаланувчиси ҳисобланади.

Шундан сўнг **“Электрон муурожаат юбориш”** саҳифасига қайтиб **“ONE ID орқали кириш”** тугмасини босиш керак ва рўйхатдан ўтиш



жараёнида яратилган **“логин”** ва **“пароль”**ни киритган ҳолда **“Кириш”** тугмасини босиш керак.



ONE ID

O'zbekcha Русский English

Login

Parol

KIRISH

RO'YXATDAN O'TISH

Akkauntni qayta tiklash?

Тизимда рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларга кейинчалик ўзининг шахсий кабинетига кириши учун қайтадан рўйхатдан ўтиш талаб этилмайди.

“Е-XSUD” ахборот тизими имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун интернет браузерларининг қуйидаги версияларидан фойдаланиш зарур:

- Google Chrome – 79 версиясидан юқори;
- Mozilla Firefox – 69 версиясидан юқори;
- Safari – 13 версиясидан юқори;
- Opera – 65 версиясидан юқори.